

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ГАФАРОВА СИТОРА СОБИРОВНА

**ДИАБЕТИК ПОЛИНЕЙРОПАТИЯНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гафарова Ситора Собировна

Диабетик полинейропатиянинг клиник-диагностик тамойиллари ва
даволашни такомиллаштириш.....3

Гафарова Ситора Собировна

Клинико-диагностические принципы и совершенствование лечения
диабетической полинейропатии23

Gafarova Sitora Sobirovna

Clinical and diagnostic principles and improvement of the treatment of diabetic
polyneuropathy.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ГАФАРОВА СИТОРА СОБИРОВНА

**ДИАБЕТИК ПОЛИНЕЙРОПАТИЯНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4079 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ходжиева Дилбар Таджиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайдарова Дилдора Кадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Халимова Замира Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200007, Бухоро, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@bsmi.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200007, Бухоро, Ғиждувон кўчаси, 23- уй.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.И.Тўқсонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) дисертацияси анотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дистал симметрик сенсомотор диабетик полинейропатия — қандли диабетнинг энг кўп учрайдиган асоратларидан бири бўлиб, унинг кенг тарқалганлиги, ташхис қўйиш ва даволашдаги мураккаблиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Илмий манбаларда қайд этилишича, сўнгги йигирма йил давомида ўтказилган тадқиқотлар қандли диабет билан оғриган беморларда диабетик полинейропатия ҳолатлари 42% гача, турли синдромлар билан бирга кечиши эса 30% гача учраши кузатилган¹. Шу билан бирга, кенг қамровли тадқиқотларда башорат қилинишича “...қандли диабет билан оғриган беморларда юзага келган диабетик полинейропатиянинг устунлик қилиши 48,2% дан 55,1% гача етиши мумкин”² ва бу ушбу патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик беради. Бу ҳолат касалликнинг бошланғич босқичлари аниқ белгиларсиз кечиши, клиник ва лаборатор текширувларда етарли даражада маълумот олиш имкониятининг чекланганлиги, ҳамда мутахассислар ўртасида ягона этиопатогенетик қарашларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатиб турибди.

Жаҳон миқёсида қандли диабет билан оғриган беморларда юзага келган диабетик полиполинейропатиянинг даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда³. Бунда замонавий неврологияда неврологик касалликлар билан боғлиқ ҳолда, қандли диабет билан оғриган беморларда ривожланадиган касалликларнинг ўзига хос кечишини, уларнинг клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш; комплекс даволаш жараёнида неврологик ва физиотерапевтик чора-тадбирларнинг ўрнини баҳолаш; болаларнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс, босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш; диабетик полинейропатия билан оғриган болаларда турли органлар фаолиятининг бузилишига асосланган даволаш ва профилактика усулларини таклиф этиш ҳамда даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига мослаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Нерв системаси касалликларини олдини олиш, уларни эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада «тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш соҳа тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш каби устувор

¹ Абдукадилова Д.Т.. Диабетическая полинейропатия: пути полноценной коррекции неврологического дефицита // Journal of new century innovations, 2022. Т 18-№3. -С. 316-319

²Азизова Р.Б. Эффективность метилкобаламина в метоболической терапии диабетической полинейропатии // Международный неврологический журнал. – 2018. – №. 4-98. – С. 27-29.

³Елизарьева Т.А. Профилактика и лечение диабетической нейропатии // Бюллетень Северного государственного медицинского университета. -Вып., 2019 – С. 152.

йўналишлар амалга оширилмоқда.»⁴. Ушбу вазифалар қандли диабет натижасида келиб чиқадиган диабетик полинейропатия касалликларининг даво-профилактика тадбирларини такомиллаштириш амалиётини амалга оширишда долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда семизлик мавжуд инсонларда қандли диабет ва невропатиялар ўртасидаги боғлиқлик кўрсаткичлари кенг ўрганилмоқда (Alexandre Neto, 2023; Kristy L.T., 2024; Melissa A.E., 2024). Баъзи тадқиқотларда ортиқча овқатланиш ва семизликнинг юзага келиши инсонларда инсулинрезистентликнинг ҳосил бўлиши, ичак-мия номутаносиблиги ва нейрояллиғланиш келиб чиқиши таъкидланади (Qin Zhang, 2022; Jean Charles Nicolas, 2024). Дунёнинг ривожланган мамлакатларида семизлик ва бош мия функциялари ўртасидаги боғлиқлик бевосита инсон геномикаси билан боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилади (Sadia Saeed, 2024). Бу борада бош мия нейродегенерациясида нейроглиал хужайраларнинг роли, клиник-патогенетик ривожланишида T2D-AD моделлаштириш усулининг алоҳида аҳамияти келтириб ўтилади (Adolfo Toledano, 2024). Илмий изланишлар семизлик ва қандли диабет мавжуд инсонларда когнитив ўзгаришлар, деменция, Альцгеймер касаллиги кузатилишини тасдиқлади (Shiva Ebrahimpour, 2020; Joana M Gaspa, 2023). Бунда GLP-1 агонистларини қўллаш орқали тана вазнининг камайиши ва семизликни даволашга эришилди (Katherine O.K., 2024).

МДХ давлатлари олимлари томонидан ҳам семизлик, қандли диабет ва когнитив ўзгаришларнинг боғлиқлиги бир неча бор таъкидланиб, бугунги кунга қадар тасдиқланиб келинмоқда (Шестакова М.В., 2022; Антонова К.В., 2024; Дзгоева Ф.Х., 2024). Тадқиқотларда қандли диабет 2-тур билан оғриган беморларнинг психикасидаги ўзгаришлар полиморфизми, клиник кўринишнинг яққол намоён бўлиши қўшимча касалликлар, жумладан SARS-CoV-2 ўтказиш оқибатида кузатилиши келтирилди (Сечко Е.А., 2023). Клиник

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

шароитга мос чора-табдирларнинг ишлаб чиқилиши, даволаш самарадорлиги мавжуд изланишлар клиник амалиётда ўз тасдиғини топмокда (Дедов И.И., 2021; Шишкова В.Н., 2023).

Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда қатор илмий изланишлар олиб борилмокда (Саидрасулова М.А., Алиев С.У., 2019). Баъзи олимларимизнинг тадқиқотида Ўзбекистон ва Тошкент ҳудудида 2-турдаги қандли диабет ва семизликнинг, шунингдек уларда учрайдиган неврологик ўзгаришларнинг учраш даражаси ўрганилган (Камалов Т.Т, 2024). 2-турдаги қандли диабет ва семизликдаги метаболик ва неврологик ўзгаришларда электро-нейромиографиядаги кўрсаткичларнинг ўзига хос натижалари (Абдукадинова Д.Т., 2023), I тур қандли диабетдаги диабетик полинейропатия ривожланишида иммун бузилишлар ва генетик омиллар (Ахророва Ш.Б., 2023). Шу муносабат билан автоиммун касалликларнинг пайдо бўлишининг умумий генетик механизмларини излаш илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Юқорида қайд этилган ҳолатлар ушбу диссертация ишининг мақсади ва вазифаларини шакллантиришга имкон берган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тадқиқоти Абу али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-Тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-Тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади: I ва II турдаги қандли диабетда диабетик полиполинейропатиянинг клиник кечиши, оғирлик даражасини ўрганиш, диабетик полиполинейропатияни ташхислашда гумморал иммунитет ролини ўрганиш ва комплекс даволашни такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

диабетик полинейропатиянинг тарқалишини баҳолашда I ва II тур қандли диабетдаги диабетик полинейропатия ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш;

I ва II тур қандли диабет билан оғриган беморларда периферик нервларнинг ҳолатини ўрганишда клиник-неврологик ва электронейрофизиологик усулларининг диагностик аҳамиятини ўрганиш;

I ва II тур қандли диабет билан оғриган диабетик полинейропатия кузатилган беморларнинг қон зардобидаги гумморал иммунитет кўрсаткичларини даолашдан олдин ва даволашдан кейин баҳолаш;

I ва II турдаги қандли диабетда диабетик полинейропатияни эрта комплекс даволашда ТМС усулининг самарадорлигини такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объектини Мақсад ва вазифаларга мувофиқ, тадқиқотга 2020-2023 йилларда Бухоро вилояти эндокринология диспансерига мурожаат қилган I ва II тур қандли диабет билан касалланган ва диспансер рўйхатида турган 160 нафар бемор асосий гуруҳни, ва назорат гуруҳини 30 нафар соғлом текширилувчилар ташкил этган. Ушбу гуруҳларда касаллик кечиш

босқичлари, оғирлик даражаси, клиник неврологик хусусиятлари, иммуногенетик, нейрофизиологик ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий текширувлар учун беморлар қон зардоби ҳамда, периферик нерв толалари ҳолатини баҳолаш мақсадида электронейромиография текшируви материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-анамнестик, иммунологик, нейрофизиологик ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сифат сезги тестларининг (Total Symptoms Score позитив симптоматика ифодаланиши ва Neuropathy Disability Score сезувчанликнинг пасайиш) шкалалари аҳамияти асосланган;

диабетик полинейропатия барча босқичларида периферик нервларининг нейрофизиологик кўрсаткичларининг (М ва С жавоб амплитудаси кўзғалишнинг тарқалиш тезлигининг пасайиши, латентликнинг ошиши) I ва II тур қандли диабетнинг орасидаги таҳлили исботланган;

I ва II тур қандли диабетда кузатиладиган диабетик полинейропатия ривожланишида иммунологик статус ўзгариши, нейрофизиологик кўрсаткичлар (М ва С жавоб амплитудаси кўзғалишнинг тарқалиш тезлигининг пасайиши, латентликнинг ошиши) I ва II тур қандли диабетга солиштирма таҳлил қилиб ва гумморал иммун статусига (IgA, IgM, IgG ошган) асосланиб, эрта ташхислаш мезонлари такомиллаштирилган;

I ва II тур қандли диабетда кузатиладиган диабетик полинейропатия ривожланишида клиник, иммунологик статус ва нейрофизиологик кўрсаткичларга асосланиб эрта ташхислаш ҳамда даволашнинг (Трансмагнит стимуляция) босқичли мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

I-тур ва II-тур қандли диабет билан оғриган беморларда диабетик полинейропатиянинг пайдо бўлиш частотаси, кечиши ва диагностикаси бўйича олинган маълумотлар терапевтик ва профилактика чораларининг моҳияти ва ҳажмини илмий жиҳатдан аниқлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларини Бухоро вилоятидаги тиббиёт муассасалари фаолиятига татбиқ этиш қандли диабет билан оғриган беморларда диабетик полинейропатия ривожланишини динамик баҳолаш, қандли диабет билан касалланиш хавфи остида бўлган беморларни аниқлаш ва ташхисни тузишга ёндашувни индивидуаллаштириш имконини берди ҳамда даволаш, диагностика ва реабилитация тадбирлари режаси тузилди;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-неврологик, нейрофизиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, ташхислаш ва даволаш тактикасини ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажриба билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижанинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти қандли диабетда кузатиладиган диабетик полинейропатияни эрта ташхислашда ишончли прогностик маълумот олишдан ташқари дифференциал терапияни танлаш имконини беради ҳамда беморларда даво самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳада дезадаптация ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан изоҳланади. I тур ва II тур қандли диабет да кузатиладиган диабетик полинейропатия ривожланишига мойил бўлган беморларни аниқлаш, касаллик асоратланган шакли ривожланишининг олдини олиш ҳамда унинг эрта даврида реабилитацион-тикловчи чораларини амалга ошириш, шунингдек, эрта муддатларда тўғри ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигининг ортиши ҳисобига госпитализация муддатини қисқартиради ва иқтисодий самарадорликни келтириб чиқаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. I тур қандли диабет билан оғриган беморларда диабетик полиневропатия ривожланишининг генетик омиллари ва иммун бузилишларининг ролини ўрганиш ва даволашда олинган илмий натижалар асосида:

Қандли диабетдаги диабетик полиневропатия ривожланишининг нейрофизиологик хусусиятлари бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Диабетик полинейропатия ривожланишининг эрта ташхислаш усулини муқобиллаштириш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 2024 йил 28 октябрь 24-м/079-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси ташхисотни такомиллаштириш, даволаш муддатини қисқартириш ва периферик нервлар функцияси бузилишлари асоратларининг олдини олишга имкон берган;

Қандли диабет билан оғриган беморларда диабетик полиневропатия ривожланишининг генетик омиллари ва иммун бузилишлари бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “I тур қандли диабетдаги диабетик полиневропатия ривожланишда иммунологик тадқиқот усуллари” услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 2024 йил 28 октябрь 24-м/080-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси аниқликни оширишга, диабетик полинейропатиядаги иммунологик бузилишларни қисқа муддатда соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида ташхислаш ҳамда даво самарадорлигини ошириш имконини берган;

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасида, ва Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилоятида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/83-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши I тур қандли диабет билан оғриган беморларда диабетик полинейропатия ривожланишини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириб, даволаш давомийлигини қисқартириш, асоратлар сонини камайишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олиб борилган тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диабетик полиполинейропатия. Нейропластиклик жараёнларини таъминлашда нейротрофик омилларга қаратилган замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Мазкур боб ўн бирта фаслдан иборат бўлиб, уларда диабетик полинейропатиянинг этиопатогенезининг замонавий талқини бўйича ҳал этилмаган маълумотлар, эрта ташхислаш ва истикболини белгиловчи биомаркёрлар, унинг келиб чиқишида иммунологик статуснинг ўрни, ҳамда комплекс даволанишнинг замонавий жиҳатлари ҳақидаги маълумот таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Диабетик полиполинейропатия билан касалланган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотга диабетик полинейропатия касаллигига чалинган, Бухоро вилоят эндокринология марказида даволанишда бўлган ва Бухоро шаҳар ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича «Д» назоратда турган, 18-74 ёшдаги беморлар танлаб олинди. Асосий гуруҳда диабетик полинейропатия ташхиси қўйилган қандли диабет I ва қандли диабет II тур билан оғриган 160 нафар бемор ташкил этди. Назорат гуруҳи 30 нафар амалий соғлом инсонлардан иборат бўлди. Беморларнинг ўртача ёши 53.3 ± 6.1 ёш. Тадқиқот гуруҳидаги 160 нафар бемордан 18 дан 44 ёшгача бўлган беморлар 37 (23,1%) ёш гуруҳни, 45 дан 59 ёшгача беморлар ўртача ёш гуруҳини 49 (30,6%) ни, 60-74 ёш кексалар 74 (46,3%) ни ташкил этди. Диабетик полинейропатия касаллигига чалинган беморларда қандли диабет II тининг 60-74 ёш оралиғида кўп учраганлиги намоён бўлган.

Диссертациянинг «**I ва II тур қандли диабетдаги диабетик полинейропатиянинг этиологик ва клиник неврологик хусусиятлари**»

деб номланган учинчи бобида тадқиқотда қатнашган беморларда полинейропатиянинг тарқалиши, клиник кечиши, қандли диабет касаллигининг давомийлиги ва углевод алмашинуви компенсациясининг диабетик полинейропатия ривожланишига таъсири ёритилган.

160 нафар Диабетик полинейропатия билан оғриган беморлардан 76 (47.5%) нафари қандли диабет I тур ва 84 (52.5%) нафарни қандли диабет II тур ташхиси қўйилган беморлар ташкил этилган. Тадқиқот гуруҳларида диабетик полинейропатия хавф омиллари баҳоланган (1- жадвал).

1-жадвал.

Қандли диабет кузатилган беморларда хавф омилларининг учраш частотаси

Хавф омиллари	Қандли диабет I тоифа (n=74)		Қандли диабет II тоифа (n=86)		Жами (n=160)	
	мут	%	мут	%	мут	%
Метаболик синдром	43	58,1	59	68,6	102	63,75
гликирланган гемоглобин (HbA1c>7.5)	51	68,9	63	73,2	114	71,25
гипергликемия ва гликемик ўзгарувчанлик	47	63,5	68	79,1	115	71,8
Артериал гипертензия	26	34,2	56	65,1*	82	51,25
Дислипидемия	33	44,6	47	54,6	80	50,0
Атеросклеротик қон томир ўзгаришлари	35	47,3	51	59,3	86	53,75
Чекиш	16	21,6	34	39,5	50	31,25
Спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш	11	14,7	21	24,4*	33	20,6
ОТВ (M±SD), кг/м2	25	33,8	63	73,2*	88	55,0
Жисмоний ҳаракатлар чекланганлиги	29	39,1	49	56,9*	78	48,075

Изоҳ: p<0,05, p<0,01**, p<0,001***. гуруҳлар ўртасида ишонлилик кўрсаткичлари.*

I тоифа қандли диабет ва II тоифа қандли диабет билан оғриган беморларда хавф омилларининг учраш даражаси ўртасида сезиларли фарқлар аниқланган. МС, гликирланган гемоглобин (HbA1c>7.5), гипергликемия ва гликемик ўзгарувчанлик, дислипидемия, атеросклеротик қон томир ўзгаришларининг учраш частотаси қандли диабет II тоифа билан оғриган беморларда қандли диабет I тоифа билан оғриган беморларга нисбатан 1,5 баробар хавф омилларининг кўп учраши намоён бўлди (p<0.05). АГ, чекиш, спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, ОТВ ва жисмоний ҳаракатларнинг чекланаганлиги қандли диабет II тоифа билан оғриган беморларда қандли диабет I тоифа билан оғриган беморларга нисбатан 2 баробар кўп учраганлиги қайд этилди (p<0,01),. Тадқиқот гуруҳ беморларнинг жинси бўйича таҳлил ўтказилганида аёллар эркакларга нисбатан 1,5:1 нисбатда устунлик қилди ва

қандли диабет II тур билан оғриган беморларда диабетик полинейропатиянинг учраш частотаси қандли диабет I тур билан оғриган беморларга қараганда юқорилиги аниқланган.

Диабетик полинейропатия асорати борлигини аниқлаш мақсадида касалликнинг оғирлик даражасига кўра қандли диабет I тур кузатилган диабетик полинейропатия билан оғриган орасида 23 (30.3%) нафар беморда бошланғич босқичга эга эканлигини кўрсатди. Субклиник диабетик полинейропатия – 1 босқичи 26 (34.2%) нафар беморларда, ўртача оғирликдаги 2 босқичи 17 (22.3%) нафар беморда, диабетик полинейропатия – 3 босқичи 7 (13.2%) нафар беморларда аниқланган. Қандли диабет II тур билан оғриган беморларда диабетик полинейропатиянинг учраш даражаси 25 (29.7%) нафар беморда бошланғич босқичи, 27 (32.1%) да 1 субклиник босқичи, 23 (27.4%) нафар беморда 2 босқичи ва 9 (10.8%) нафар беморда диабетик полинейропатия -3 босқичи аниқланган (2-жавдал).

2-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларида қандли диабет I ва II турнинг диабетик полинейропатия босқичларига боғлиқлиги

	ДП “-”		ДП 1		ДП 2		ДП 3	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Қандли диабет I тур (n=76)	23	30,3	26	34,2	17	22,3	7	13,2
Қандли диабет II тур (n=84)	25	29.7	27	32.1	23	27.4	9	10.8
Қандли диабет II тур, давомийлиги, йил	3,7±3.2		7,3±8,6*		12,5±11,8**		14,5±7,2**	
Қандли диабет II тур, давомийлиги, йил	8,8±6,4		10,4±7,5		22±13,8**		18,6±9,8**	
НБА 1с, (%) қандли диабет I тур	6,8±1,4		7,9±2,3		7,7±1,4		7,3±1,1	
НБА 1с, (%) қандли диабет II тур	7,7±1,1		7,8±2,3		8,2±1,5		8,1±0,9	

*Изох: *p<0,05 ** p<0,01 диабетик полинейропатия-2 ва диабетик полинейропатия -3 га нисбатан. *ДПН - диабетик полинейропатия*

Статистик таҳлилларга кўра, беморларнинг ёши орасида гуруҳлар бўйича диабетик полинейропатия (-) ва диабетик полинейропатия-1, диабетик полинейропатия (-) ва диабетик полинейропатия-3 гуруҳларида (p<0,05) ўртача ишончли даражадаги, диабетик полинейропатия (-) ва диабетик полинейропатия-2 гуруҳларида (p<0,01) юқори ишончли даражадаги фарқлар аниқланган. Худди шундай касаллик давомийлиги бўйича ҳам диабетик полинейропатия (-) ва

диабетик полинейропатия – 2, диабетик полинейропатия – 3 гуруҳлар орасида статистик ишончли фарқ мавжуд. Беморларнинг ёши ошган сари диабетик полинейропатия босқичлари чуқурлашиб бориши қайд этилди. Қандли диабет I гуруҳдаги беморларнинг ёши қандли диабет II гуруҳдаги беморлар ёшига нисбатан анча кичиклигини фарқланган. Қондаги гликирланган гемоглобин миқдори эса, деярли барча гуруҳларда бир хил кўрсаткичга эга бўлди ва касаллик босқичларида унинг миқдори ўзгармади.

I гуруҳда диабетик полинейропатия (0) $2,1 \pm 0,2$ ҳолатда, диабетик полинейропатия (1) $3,1 \pm 1,3$ ҳолатда, диабетик полинейропатия (2) $9 \pm 1,3$ ҳолатда, диабетик полинейропатия (3) $11,2 \pm 2,3$ ҳолатда ривожланган. Бу таҳлиллар натижасида диабетик полинейропатия ривожланиши қандли диабет касаллигининг давомийлигига тўлиқ боғлиқ деб хулоса қила олмаймиз, чунки қандли диабет давомийлиги 5 йилгача бўлган беморларда диабетик полинейропатия-2 босқичи, давомийлиги 10 йилгача бўлган гуруҳ беморларидаги диабетик полинейропатия-2 кўрсаткичи билан деярли бир хил. Диабетик полинейропатия-3 ривожланган беморлар фақат 2 ва 3 гуруҳларда аниқланган (1-расм).




1-расм. Қандли диабет I ва II тур билан оғриган беморларда касаллигининг давомийлигига қараб диабетик полинейропатиянинг ривожланиши.

HbA1c оптимал даражаси қандли диабет -II тур билан оғриган беморлар гуруҳида 42,1% (n=32) беморда аниқланган. 57,9% (n=44) бемор эса қандли диабетнинг декомпенсация босқичида эканлиги маълум бўлди. Диабетик полинейропатия «-» гуруҳдаги беморларда HbA 1c даражаси $7,8 \pm 1,2$ ни, диабетик полинейропатия -1 гуруҳдаги беморларда эса HbA 1c даражаси $7,5 \pm 1,8$ ни, диабетик полинейропатия -2 босқичида $8,3 \pm 1,5$, диабетик полинейропатия-3 босқичида $9,1 \pm 1,7$ ни ташкил этди. Улар орасидаги фарқ ($p < 0,05$) ишончли даражада фарқ қилган.

TSS (Total Symptoms Score) шкаласи нейропатик симптомларни баҳолаш шкаласи (оғриқ, увишиш, куйиш ҳисси, парестезия) - текширилган натижалар асосида I тур қандли диабетли диабетик полинейропатия билан оғриган беморларда кўпинча оёқ соҳасидаги увишишдан – 23 (30,3%), оёқ оғриғи 20 (26,3%), оёқ соҳасидаги куйиш ҳисси – 17 (22,3%), оёқларда парестезиядан

каби шикоятлар беморларнинг 11 (14,5%) да кузатилди. Қандли диабет II тур диабетик полинейропатия билан оғриган беморларда кўпинча оёқ соҳасидаги увишишдан – 45 (53,1%), оёқ оғриғи 75 (89,7%), оёқ соҳасидаги куйиш ҳисси – 18 (21,3%), оёқларда парестезиядан каби шикоятлар беморларнинг 32 (38,7%) да кузатилган (2- расм).





2-расм. TSS (Total Symptoms Score) бўйича қандли диабет I тур ва II тур билан оғриган беморларда позитив симптоматика ифодаланиши, (%)

Қандли диабет I тур билан оғриган беморларда компенсация даврида ўртача TSS бали $3,2 \pm 0,8$ ни ташкил қилди, бу диабетик полиневропатиянинг (диабетик полинейропатия) камроқ намоён бўлган белгиларини кўрсатади. TSS шкаласи бўйича баллар қандли диабет I тур кузатилган беморларда декомпенсация босқичида 2 баробар юқори кўрсаткичларни кўрсатди ($p < 0,01$). Қандли диабет II тур билан оғриган беморларда компенсация даврида TSS шкаласи бўйича $2,9 \pm 0,7$ бални ташкил қилди, бу минимал симптомлар намоён бўлиши билан ифодаланган, декомпенсация босқичида TSS шкаласи бўйича $7,5 \pm 1,4$ бални ташкил этиб, бу диабетик полинейропатия нинг яққол намоён бўлган оғир босқичларидан далолат берди. TSS шкаласи бўйича баллар қандли диабет II тур кузатилган беморларда декомпенсация босқичида 3 баробар юқори кўрсаткичларни кўрсатди ($p < 0,001$).

Неврологик функцияларни объектив баҳолашда NDS (Neuropathy Disability Score) шкаласи бўйича беморларнинг аксари ҳолатларида (75,8%) вибрацион сезги бузилганлиги аниқланган. Шундан 67% да пасайган, 8,8% ҳолатларда умуман аниқланмади. Оғриқ сезгисининг бузилиши 42,6% ҳолатларда кузатилди.

Шундан 32,6%да пасайган, 10% ҳолатда эса аниқланмади. Ҳарорат сезгиси текширилганда 30,8% ҳолатларда ўзгарганлиги кузатилди. 16,4% ҳолатда пасайган, 14,4% ҳолатда эса умуман кузатилмади. Тактил сезгиси бузилган беморлар 12,2% ни ташкил этди. 11% ҳолатда тактил сезгининг пасайиши, 1,2% ҳолатда эса унинг йўқолиши аниқланган. Проприорецептив сезги бузилиши 8,2% ни ташкил қилди. Энг кўп зарарланган сезги тури юза ва вибрацион сезувчанлик бўлса, нисбатан энг кам зарарланган сезги тактил ва proprioreceptive сезги тури эканлиги аниқланган (3-расм).



3-расм. Тадқиқот гуруҳларида NDS шкаласи бўйича сезувчанликнинг пасайиш кўрсаткичлари

Қандли диабет II тур билан оғриган беморларда ахилл рефлексининг пасайиши қандли диабет I тур билан оғриган беморларга нисбатан 2,5-3 баробар ($p < 0,001$), тизза рефлексининг пасайиши эса 1,8–2 баробар кўпроқ учраши аниқланган ($p < 0,01$).

Қандли диабет ривожланиши билан ҳар хил турдаги юзаки ва чуқур сезгини аниқлашда неврологик ўзгаришлар кучаяди. Вибрацияли ва оғриқ сезувчанлигининг бузилиши бошқа сезувчанлик патологиясига қараганда тез-тез ва кўп учраши кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал.

Диабетик полинейропатия кузатилган беморларда рефлексларнинг пасайиш частотаси (%)

Диабетик полинейропатия босқичлари	Қандли диабет I				Қандли диабет II			
	Тизза рефлекси		Ахилл рефлекси		Тизза рефлекси		Ахилл рефлекси	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Диабетик полинейропатия (-)	1	4,3	3	13,04	2	8	3	12
Диабетик полинейропатия 1 субклиник	4	15,4	6	23,1	6	22,2*	7	25,9
Диабетик полинейропатия 2	7	41,2	9	52,9	11	47,8	15	65,2*
Диабетик полинейропатия 3	4	57,1%	5	71,4%	7	77,8%**	8	88,9%*

Изоҳ: $p < 0,05$ *, $p < 0,01$ ** , $p < 0,001$ ***. Гуруҳлар ўртасида ишонлилик кўрсаткичлари.

Ҳаракат нервларини рағбатлантиришда электронейромиография хусусиятларининг ўзгариши биринчи навбатда кичик болдир нервнинг кўзғалишнинг тарқалиш тезлиги ва қолдиқ кечикиш ва катта болдир қолдиқ кечикиш билан боғлиқлиги баҳоланган (4-жадвал).

4-жадвал.

Қандли диабет II тур билан оғриган беморларда ҳаракат ва сезги асаб толалари бўйлаб электр ўтказувчанлик индексларини бузилиш частотаси (%)

Кўрсаткичлар	Диабетик полинейропатия ”-“ (n=14)	Диабетик полинейропатия 1 (n=22)	Диабетик полинейропатия 2 (n=36)	Диабетик полинейропатия 3 (n=13)
N.peroneus амплитуда М жавоб, мВ (n > 3,5 мВ)	5,2	3,1	3,0	1,0
N.peroneus ҚТТ, м/с (n > 40 м/с)	47,0	42,2	37,1	16,5
N.peroneus ҚТ, мс (n < 3,0 мс)	2,4	1,7	2,4	2,5
N.tibialis амплитуда М-жавоб, мВ (n > 3,5 мВ)	7,7	6,5	5,03	0,4
N.tibialis ҚТТ, м/с (n > 40 м/с)	41,5	40,5	36,5	15,5
N.tibialis ҚТ, мс (n < 3,0 мс)	2,0+	1,6	2,3	1,4
N.suralis амплитуда S жавоб, мкВ (n > 5,0 мкВ)	6,9+	6,7	4,4	0,3
N.suralis ҚТТ, м/с (n > 40 м/с)	48,5	47,0+	33,1	8,6

Изох: ҚТТ қўзғалишининг тарқалиш тезлиги

Тадқиқот давомида қандли диабет I тур кузатилган беморларда ЭНМГ да нейропатиянинг ривожланиши барча асаб толаларидаги ўзгаришлар кучайди. Нерв толаларидаги ўзгаришларнинг яққоллиги ва нейропатия босқичи ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Қандли диабет II тур кузатилган беморлар диабетик полинейропатия 1 – субклиник босқичида нормадан паст кўрсаткичларда намоён бўлди. Катта болдир нерви бўйлаб қўзғалишнинг тарқалиш тезлиги диабетик полинейропатия 1 ва диабетик полинейропатия 2 босқичлари ўртасида статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар аниқланган ($p < 0.05$). Шунини таъкидлаш керакки, ушбу кўрсаткичлар ўртасида статистик жиҳатдан муҳим боғлиқлик мавжуд.

Диабетик полинейропатия қандли диабет I тур кузатилган беморлар гуруҳида НвА 1с даражаси $6,2 \pm 1,2$ ни, диабетик полинейропатия қандли диабет II тур кузатилган беморларда эса НвА 1с даражаси $7,9 \pm 1,8$ ташкил этди. Улар орасидаги фарқ ($p < 0.05$) ишончли даражада фарқ қилмади. Дабетик полинейропатия кузатилган беморлардаги касаллик босқичи ҳар доим ҳам кондаги гипергликемия даражасига боғлиқ эмаслиги аниқланган. Тадқиқот гуруҳларида қон липид спектри кўрсаткичлари, яллиғланиш цитокинлари қиймати ва яллиғланиш белгилари бўйича таққосланади. НвА1с ва глюкоза

даражаси қандли диабет II тур билан оғриган беморларда қандли диабет I турга караганда 1,5 баробарга юқори бўлди ($p < 0,05$).

Қандли диабет II тур билан оғриган ва қандли диабет I тур гуруҳидаги беморларда липидограммининг ўртача қийматларини таққослашда триглицеридлар даражасида сезиларли фарқлар аниқланмади (5-жадвал).

5-жадвал.

Қандли диабет билан оғриган беморларда лаборатория текшируви кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қандли диабет II тур, n=84	Қандли диабет I тур, n=76	Нормада	p
НbA1c, %	7,9± 1,4*	6,8 ± 0,5	4-5,9% гача.	<0,001
Глюкоза, ммоль/л	8,2± 1,7*	6,9 ± 0,9	4,0–5,2	<0,001
<i>Липид спектори, ммоль/л</i>				
Умумий холестерин	5,31± 2,1*	4,9 ± 0,9	3,0–5,2	0,227
Триглицеридлар	1,78±1,3	1,35±0,65	0,5–1,7	0,676
ЮЗЛП	1,39±0,6	1,39±0,6	1,0-1,2	0,920
ПЗЛП	3,25±1,18	2,85±0,91	3,0	0,864
ЖПЗЛП	0,72±0,47	0,79±0,4	0,13–1,0	0,897
Атерогенлик коэффициенти	3,2±1,32	3,11± 0,88	2,0–3,0	0,256

Изоҳ: p < 0,05, p < 0,01**, p < 0,001***. гуруҳлар ўртасида ишонлилик кўрсаткичлари.*

Тадқиқот давомида гуморал иммунитетни аниқлаш. Диабетик полиневропатия мавжуд бўлган беморлар ва диабетик полиневропатия мавжуд бўлмаган беморлар қон зардобидаги IgA, IgM, IgG иммуноглобулинлари концентрацияси ИФА ёрдамида аниқланди.

Қандли диабет I тур кузатилган беморларда IgA кўрсаткичи 6,2±0,09г/л ни, қандли диабет 2 турда бўлса 5.2±0,09 г/л ни ташкил этди, бу кўрсаткич қандли диабет I тур мавжуд беморларда қандли диабет II турга нисбатан 1,5 баробар юқори эканлиги билан намоён бўлди ($p < 0,05$), (6-жадвал).

6-жадвал.

Тадқиқотдаги қандли диабет I тур ва II тур кузатилган диабетик полинейропатия мавжуд беморларни қон зардобидаги IgA, IgM ва IgG (г/л) нинг концентрацияси кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қандли диабет I тур (n=76)	Қандли диабет II тур (n=84)	Норма
IgA, г/л	6,2±0,09*	5,2±0,09	0,8–4,0
IgM, г/л	4,1±0,08*	3,1±0,08	0,4-2,5
IgG, г/л	19,6±0,23	18,6±0,23	7-16

Изоҳ: p < 0,05, p < 0,01**, p < 0,001***. гуруҳлар ўртасида ишонлилик кўрсаткичлари*

I тур ва II тур қандли диабетдаги диабетик полиневропатия касаллиги мавжуд беморлар ва II тур диабетик полинейропатия гуруҳда бу кўрсаткич

янада ошгани қайд этилди - $167,58 \pm 6,67$ нг/мл (6,85 мартага $p < 0,005$). Организмда уларнинг узоқ муддатли персистенцияси кўзгатувчилар элиминациясининг давомли бўлиши билан изоҳланади ҳамда касаллик кечиши ва якуни истиқболлини белгиловчи қўшимча диагностик ва прогностик иммунологик мезон сифатида қўллаш тавсия қилинади.

Диссертациянинг «**I- ва II-тур қандли диабетни дифференциал даволашни оптималлаштириш**» деб номланган тўртинчи бобда тадқиқот давомида кузатув гуруҳ беморлар даволашни самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2 та катта ва ҳар бир гуруҳни асосий, таққослаш гуруҳларига бўлиб ўрганилди. Тадқиқотда асосий гуруҳ беморларида ТМС усулини стандарт давога қўшимча равишда олиб борилди, таққослаш гуруҳи да бўлса фақатгина стандарт даво чоралари амалган оширилди.

Тадқиқот гуруҳларида даволаш муолажалари ўтказилганда 3 ой ўтгач, қандли диабет II тур ва қандли диабет I тур диабетик полинейропатия билан оғриган беморларда неврологик шкалалар TSS, NDS ёрдамида такрорий неврологик ва ЭНМГ текшируви натижалари 7-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тадқиқот якунида қандли диабет II тур ва I тур кузатилган диабетик полинейропатия билан оғриган беморларда неврологик етишмовчилик клиник кўринишларининг оғирлиги ифодаланган. Бу ТМС усули ёрдамида ва стандарт даво муолажаларини олган асосий гуруҳ беморларида таққослаш гуруҳи стандарт даво муолажаларини олган беморларга қараганда ижобий натижани кўрсатган.

7-жадвал.

